ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Ю. Гайбуллаева

Ўзбек миллий либослари тикиладиган матолар ўз тарихи ва шукуҳига эгадир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива матоларининг донғи оламга кетган.Тарихимиздан маълумки, кўҳна даврлардан ўлкамиздаги бутун-бутун шаҳарлар, туманлар фақат маълум бир нав ва ранглардаги газламаларни тўқишга ихтисослашган эди. Бадиий тўқувчиликнинг маҳаллий мактаблари ҳам мавжуд бўлган. Буларнинг бари матоларни бўяш санъатининг юксаклиги, маҳаллий газлама тўқиш услублари, улар қўлидан чиқадиган матолар ранги – бўёғи ва гулларининг бир-бирига ўхшашлиги ҳамда нафислиги билан ажралиб турган. Ўзбекистонда зардўзлик ҳунарини ривожлантиришда Бухоро ота бўлса, Самарқанд она ҳисобланган. Шоирлар ўз ҳунарини санъат даражасига кўтарган чевараларимизни “малоҳат мулкининг сарвинозлари” деб бежиз аташмаган. Ўзбек матолари бутун Шарқда манзур ва машҳур бўлган. Тўқувчиликнинг, асосан икки тури: оммабоп ип-газлама тўқувчилиги ва нисбатан қимматроқ ипак тўқувчилиги кўпроқ тараққий этган. Ип-газлама матоларни тўқиш асосан, аёллар, ипак ва нимшойи газламаларни тўқиш билан эса эркаклар шуғулланганлар. Ип-газлама матоларнинг турлари ва навлари жуда хилма хил бўлган. Айниқса, оқ, жигарранг, сариқ тусли бўзлар кенг тарқалган бўлиб, улардан барча ёшдаги кишилар учун чопонлар, шунингдек ички кийимлар, саллалар тикилган. Аёлларнинг рўмоллари, дакана ва лачакларини тикиш учун шаша дока ишлатилган. Эркакларнинг кўйлакларихом суруп, сидирға чит, содда тўқилган, қалами деб номланган ип-газламадан тикилган. Йўл-йўл ип-газлама мато олачалар кўпроқ қишлоқ тўқувчилари томонидан тўқилиб, чопон тикишда ишлатилган.

Шаҳарлар ва бутун бир вилоят ва туманлар фақат бир нав ва ранглардаги газламани тўқишга ихтисослашган эди. буларнинг бари матоларни бўяш санъатининг юксаклиги, маҳаллий газлама тўқиш услублари, улар қўлидан чиқадиган матолар ранги-бўёғи ва гулларининг бир-бирига ўхшашлиги ва юксак нафосати билан ажралиб турган. Буни ўрта асрлар муаррихлари ўз асарларида акс эттиришган. Шоирлар ҳам уни ўз мисраларида бадиий маҳорат ила қаламга олишган. Шу ўринда Амир Темурнинг таърифи ҳам диққатга сазовордир. Соҳибқирон Амир Темур ўз “Таржимаи ҳоли”да бир тўқувчилик корхонасидан олган таассуротларини шундай ифодалаган “Катта-кичик, эр-хотун ҳаммаси ипакчилик қилади. Уларнинг тўқимачилик ишхоналарини кўрдим. У ерда нозик панжалик ҳусн-жамол соҳибалари бўлган хотунларни тўқима дўконларининг устида мушоҳада қилдим. Шоҳиатлас каби ипак матолар – параниён тўқимоқда эдилар. Бир неча ишхоналарни кўрдим. Ҳаммасида ҳам ўша гўзаллар ишламоқда эди. Тўқиб чиқарган латиф ипак матоларидан тўқувчининг ўзи гўзалроқ эди. Кўзим бу томошада экан, фикримда эса Жалолиддин Румийнинг маснавийси ўтарди”. “Маснуъ аз санъ зеботараст” яъни ясалган нарса ясовчидан гўзалроқдир, деган фикрнинг хатолиги зоҳир эди. Агар маснавийнинг соҳиби ҳаёт бўлса эди, уни Қуниёдан бу ерга юборар эдим, токи мен кўрган ишхоналарни кўриб сонъ гўзалми, маснеъ гўзалми билиб олар ва хатосини англар эди. Испахбадон хотинларнинг нозик панжаларидан ўтиб чиқаётган матолар латиф ва мулойим бўлса ҳам руҳсиз-жонсиз эди. Ўз томошабинини кўриш ва уни жалб қилиш учун фитналик

кўзи ҳам йўқдир. Буни тўқувчилар руҳликдир, уларнинг мовий кўзларига боқиб тоқат қилиб бўлмайди[1].

Бу сўзлардан соҳибқироннинг юксак диди шоирона қалби, ҳунармандчиликка ва ҳунар аҳлига меҳри-муҳаббатини пайқаш қийин эмас. Зотан, Темур ва Темурийлар даври барча ҳунармандларнинг санъат даражасига кўтарилиб, гуллаб-яшнагани бежиз эмас. Ўрта ва Яқин Шарқда жун, ипак, зиғир, пахта, теридан тайёрланган ранг-баранг маҳсулотлар Амир Темур даврида умумжаҳон миқёсида довруқ қозонган эди. Тахт ўрнатилган зални безатишда ишлатилган гилам, парда, ипак, олтин ва кумуш толалар билан тикилган, турли сергул матолардан кўз солиб безатилган ёстиқ ва суянчиқлар чинакам санъат намуналари эди. Айниқса, ҳукмдор ва сарой аслзодаларининг либоси ҳам бадиий мода талабларига мос равишда ўзгариб турган. Тўқ қизил, кўк, яшил, зангори, оч бинафша ва жигарранг газламалар баъзан нақш солиб тикилган ҳолда этаги узун белбоғли камзуллар тайёрлашда ишлатилар ҳамда уларни сарой аъёнлари, шахсий соқчи ва хизматкорлар кийиб юришарди. Сарой либослари тез-тез ўзгариб турар, аммо оддий халқ либослари ўз барқарорлигини сақлаб турган.

Адолат тарзида шуни ҳам айтиш лозимки, бундан кейинги даврларда ҳам ўзбек матолари ва улардан тўқиладиган маҳсулотлар шуҳрати сўнмаган. Модалар бўйича Бухорони “Шарқ Парижи” деб бежиз айтилмаган. Тошкент косиблари бўз ёки карбос (оддий бўялмаган ип газлама) босма (кўпроқ қизил тусдаги гулли бўз), олача (бўялган ипдан тўқилган йўл-йўл ип-газлама), чопон тикишда қўлланиладиган йўл-йўл нимшойи матолар тўқишга айниқса моҳир эдилар. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва бошқа шаҳарларда анъанавий ўзбек ипак (кановуз, шойи, хонатлас), нимшойи (беқасам, банорас, адрас) газламалар тўқилиб, улардан тикилган турфа кийимлар бой-бадавлат табақаларда кенг расм бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горшунова О. В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений
2. (конец XIX - конец XX в.) . ... – 5 №. – С. - 29
3. Полвонова Б. Эмансипация мусульманки. – Москва: 1982. – С. 204.
4. Нишонбоева Қ. В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Тошкент: 1998. - Б. 120;
5. ЎзР МДА, Р-736- жамғарма, 1-рўйхат, 932-иш, 67- варақ.
6. ЎзР МДА, Р-737- жамғарма, 1-рўйхат, 836-иш, 118-варақ.
7. ЎзР ПДА, 58- жамғарма, 13-рўйхат, 1265-иш, 3- варақ.
8. Известия ЦК РКП(б). 1929. - № 7. - С. 5.
9. Янги йўл.1929. - № 11. – Б. 7.
10. Ислам и женщины Востока. - Ташкент: 1990. - С. 58.
11. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. ... - Б.55;
12. ЎзР МДА, 736- жамғарма, 1-рўйхат, 933-иш, 172- варақ;
13. Худжум-значит наступление. Ташкент: 1987. - С. 20.
14. Ўз Р ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 6456. Колл. 95–62.

[1] Мен, фотиҳ Темур” қўлзёмасидан. Тошкент, 1978, 280-бет.